

Ўзингиздан паст (табақадаги)ларга қарайверинглар-у...

08:05 / 20.07.2018 3889

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Ўзингиздан паст (табақадаги)ларга қарайверинглар-у, аммо ўзингиздан юқоридагиларга қараманглар. Мана шундай қилишингиз Аллоҳнинг сизларга берган неъматларини паст санамаслигингиз учун муносибдир», дедилар.

Муттафақун алайҳ. Бу Имом Муслим ривоятларидаги лафз.

Аммо Имом Бухорий ривоятларида: **«Агар сизлардан бирингиз мол-дунё ва халқ қилинишида юқоридаги кишига қараса, ўзидан паст бўлган кишига ҳам қарасин»**, дейилган. (Яъни, аввалгини кўриб ўксиган бўлса, кейингини кўриб шукр қилади).